

Уйлардаги илонлар ҳақида



11:05 / 25.11.2019 19270

Абу Лайло розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уйлардаги илонлар ҳақида сўралдилар. Шунда у зот:

«Агар улардан бирортасини масканларингизда кўрсангиз, «Нух сиздан олган аҳднома ҳурмати, Сулаймон сизлардан олган аҳднома ҳурмати, бизга озор бермаслигингизни сўрайман», денглар. Яна қайтиб келсалар, уларни қатл қилинглар», дедилар».

Абу Довуд, Термизий ва Насай ривоят қилишган.

Бу ҳадиси шарифда ҳам уйлардаги илонларнинг мусулмон жинлардан бўлиши эҳтимоли риоя қилингани кўриниб турибди. Демак, улар уйда кўринганда Нух ва Сулаймон алайҳиссаломларга берган аҳдномани эсларига солиш керак экан. Бундан Нух алайҳиссалом жинларни нажот кемасига чиқаришдан олдин улардан одам боласига ёмонлик қилмаслик ҳақида аҳднома олганлари келиб чиқади. Шунингдек, Сулаймон алайҳиссалом ҳам ўзларига жинлар хизматкор қилиб берилганда, улардан одам болаларига ёмонлик қилмаслик ҳақида аҳднома олганлари билинади.

Демак, уйда илон кўрган одам ўша аҳдномаларни эслатганда ўша кўринган нарса мусулмон жин бўлса, озор етказмайди ва қайта кўринмайди. Агар у кўринган нарса мусулмон жин эмас, оддий илон бўлса, яна кўринади ва уни ўлдирса бўлади.

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу:

«Худди кумуш таёққа ўхшаш оқ илондан бошқа ҳамма илонларни ўлдиринглар», деди».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

Ушбу ривоятда васф қилинган кумуш таёққа ўхшаш оқ илон мусулмон жин эканида шубҳа йўқ экан. Яъни уйдаги илон оппоқ бўлиб, букилмасдан тўғри юрса, у илон эмас, мўмин-мусулмон жин бўлиши аниқ экан. Шунинг учун уни ўлдириш мутлақо мумкин эмас.

Уйларда бўлувчи илонларга қилинадиган муносабатлар ҳақидаги ривоятларни жамлаб, хулоса чиқарадиган бўлсак, улар уч хил бўлар экан:

1. Тўғри юрадиган оппоқ илонга тегиш керак эмас.
2. Думи кесик ва ортида икки қора чизиғи бор илонларни дарҳол ўлдириш керак.
3. Бошқа турдаги илонларни олдин уч марта огоҳлантириш лозим. Шундан кейин ҳам яна уйда пайдо бўлса, ўлдириш керак. Уйдан бошқа жойда кўринган ҳар қандай илонни ўлдирса бўлади.

Ибн Масъуддан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Илонларнинг барчасини ўлдиринг! Ким уларнинг ўч олишидан кўрқса, мендан эмас», деганлар».

Имом Абу Довуд ривоят қилган.

Бу ривоятни бизнинг диёрларда ҳам «Илон нима қилиб бўлса ҳам ўчини олар эмиш» деган хурофотлар борлиги учун келтириб қўйдик.

Хулоса тариқасида айтиш лозимки, бир вақтлар буларга ўхшаш гап-сўзлар бидъат-хурофот, илмсизлик ва бошқа турли сифатлар билан сифатланиб, масхара қилинар эди. Кейинчалик эса ўша масхара қилувчи тарафлар

Ўзлари ҳақиқий хурофотларни: космосдан келган келгиндилар, «барабашка»лар, «учар лycopчa»лар ва бошқа-бошқаларни гапириб, дунёни хурофотга тўлдириб ташлашди.

«Фолбинлик, сеҳргарлик, жин чиқариш ва ноанъанавий даволаш каби ишларнинг бор ҳақиқати» китобидан